



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 июн, сешанба № 73 (720)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида

Тошкент ислом университети фаолиятини такомиллаштириш, юртимиздаги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий фикрловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, Университет, Ислам тадқиқотлар маркази, академик лицей фаолияти сиёсатини шакллантиришда тавсиялар бериш мақсадида:

1. Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши тузилиши ва унинг таркиби иловадаги рўйхатга биноан тасдиқлансин.
- Маслаҳат кенгаши раиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров тайинлансин.
- Маслаҳат кенгашининг тавсиялари Университет ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи моҳиятга эгаллиги белгилансин.
- Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари куйидагилар этиб белгилансин:
 - ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бий маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим

услуглари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлашда тавсиялар бериш;

- жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрафлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва боғлаш асосида университет ўқув тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий кадриятлари асосида етук исломшунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

- ҳомиёларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб этиш, етакчи тадқиқот ва таълим марказларининг ўқитиш услубияти, таълимни ташкил этиш тажрибасини яқиндан ўрганиш ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурга мос равишда татбиқ этиш ҳамда хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таълим ва тадқиқотлар жараёнига таклиф этишда тавсиялар бериш;

- дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, дарсликлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳар томонлама такомиллаштиришда Университет Илмий кенгашига тавсиялар бериш;

- Университет ва унинг ҳузуридаги Ислам тадқиқотлар маркази, академик лицейда олиб бориладиган илмий-услубий тадқиқотлар йўналиши ва мавзулари бўйича ҳамда Манбалар хазинасини ташкил этишда тавсиялар бериш;

- Университетнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, бу борада омма афкориини шакллантириш ва фаолиятга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университети ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 апрель Фармони ҳамда «Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида Университет Маслаҳат кенгашининг Низомини ишлаб чиқилсин ва 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 7 июн

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июндаги Ф-1015 Фармойишига илова

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг таркиби

1. **А.Мансуров** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Кенгаш раиси
2. **Н.Жўраев** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
3. **Х.Кароматов** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори
4. **А.Бахромов** Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
5. **А.Комилов** Ташқи ишлар вазир
6. **Ф.Собиров** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмакчи раиси
7. **С.Ғуломов** Олий ва ўрта махсус таълим вазири
8. **Н.Иброҳимов** Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ректори
9. **А.Азимов** Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом олий маъҳадининг ректори
10. **Н.Комилов** Профессор-исломшунос
11. **М.Хайруллаев** ФА Шарқшунослик институти директори
12. **З.Мунавваров** Имом ал-Бухорий халқаро жағармаси раиси
13. **Ю.Шокиров** Ўзбекистон мусулмонлари идораси маслаҳатчиси

ШОИР ЮБИЛЕЙИ

Ажойиб рус шоири Александр Пушкин таваллудининг 200 йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди.

Шоир туғилган кун арафасида Тошкентдаги республика Байналмилал маданият марказида юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кеча доирасида «Ўзбекистон расомлари ижодида Пушкин» мавзусида кўрғазма очилди. Кўрғазмага таълиқли ва ёш расомларнинг ишлари қўйилган эди. Байналмилал маданият маркази билан Ўзбекистон Бадий академияси бу тадбир ташаббускори бўлди.

Пушкин дунёга келгандан буён ўтган вақт шоирни биздан узоқлаштиргани йўқ, аксинча, тобора яқинлаштирди. Ер юзиде унинг миллионлаб мухлиси бор. Уларнинг барчаси шоир ҳақида кўпроқ билгиси ва уни чуқурроқ идрок этгиси келаси.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов маросимни очиб чоғида таъкидлаганидек, буюк шоир бир миллатгагина мансуб бўлиб қолмай, барча халқларнинг кадрия-

тига айланган. Кўрғазма очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев иштирок этди.

Александр Пушкин туғилган кун — 6 июнда шоирнинг мамлакатимиз пойтахтидаги ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов, Россиянинг Ўзбекистондаги Факултети ва Мухтор элчиси А.Пачев иштирок этди.

Оилада фарзанд туғилиши ҳар доим катта байрам бўлади. Александр Сергеевич Пушкиндек мислсиз шоирнинг туғилиши эса, улкан жаҳон оиласи учун байрамдир, - деди элчи. - Пушкин адабиётининггина эмас, маънавиятнинг ҳам юксак чўққиси ҳисобланади. Мен шоир ижоди мамлакатингизда ўта ардоқланаётгани учун Ўзбекистон ҳукуматидан, бутун Ўзбекистон халқидан миннатдорман!

Д.САИТОВА,
ЎзА мухбири.



Галла — 99

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

Нишон туманида йил бўйи 16100 гектар майдондаги галла бўлиқ ўсди. 46300 тонна дон ишлаб чиқариб, 25100 тоннасини давлатга сотишни режалаштирган туман фаллакорлари ўрим сифатига алоҳида аҳамият бераётдилар. 68 та комбайн кучидан унумли фойдаланилапти. Тумандаги «Гулистон» жамоа ширкат ҳужалигининг Юсуф Бердикулов раҳбарлик қилаётган фаллачиллик бригадаси аъзолари бугунгача ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 35 центнерга етказдилар.

Суратларда: 1. (чапдан ўнгга) Нишон туман МТП (машина трактор парки) комбайнчиси Мардон Холликов. 2. Ҳосил ўрими акс этган майдон, донни тележаларга юклаш пайти. 3. Нишон туман ҳокими вазифасини бажарувчи Аҳмад Муқимов комбайнчи Ахтам Эрматов ва Уктам Йўлдошевлар билан дон бошогини кўздан кечирибмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

Футболимиз юлдузлари

Мамлакатимизда футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида VIII миллий чемпионат ўйинлари кизгин давом этмоқда. 6 июн куни чемпионатнинг XIII тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бу тур шуниси билан кизикарлик эдики, унда бир йўла уч йўнчи-Ойбек Усмонхўжаев (Дўстлик), Равшан Бозоров (Самарқанд), Жаъфар Ирисметов (Самарқанд) «мўъжиза» кўрсатиб, ўзларининг миллий чемпионатдаги юзичи голларини уришлари мумкин эди. Бутун мухлислар XIII тур ўйинларини хаяжон билан кузатишарди. Ҳақиқатдан ҳам салкам мўъжиза юз берди. Икки пешқадам жамоанинг икки

БАЛЛИ, ЖАЪФАР!

Юзичи тўп муборак!

Жаъфар ИРИСМЕТОВ - 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Дастлабки спорт сабогини пойтахтдаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде, сўнгра Титов номидаги спорт интернатиде олди. Катта футболга дастлаб «Дўстлик» (Тошкент) жамоаси таркибиде қадам қўйган. Айни пайтда «Самарқанд» жамоасида ҳужумчи. У «Самарқанд» - «Хоразм» жамоалари учрашувида (5:4) ўзининг юзичи тўпини киритишга муваффақ бўлди. Майдон марказидан узатилган тўпини қабул қилган Жаъфар аввало уч рақиб ҳимоясини, сўнгра дарвозабонни доғда қолдирди.

— **Жаъфар, аввало Ўзбекистон миллий чемпионатда киритган голларингиз юзтага етгани билан табриклаймиз. Шу аснода кўнглингиздан кечайтган фикрлар билан ўртоқлашсангиз?**

— Қувонмай бўладими! Бу юзичи гол бўлгани учун ҳам аҳамияти ўзгача.

— **Футбол сизнинг ҳаётингиз мазмуну бўлиб қолган, дейиш мумкинми?**

— Худди шундай. Болалигимдан футболга ўзим эдим. Қўлимга қопток

АЙБЛАРИГА ИҚРОР БЎЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 22 нафар шахсга нисбатан очик суд жараёни давом этмоқда. Бу шахслар шу йилнинг 16 феврал куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатнинг бошқа раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши кўпроқчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланмоқдалар.

Судланувчи Дилшод Камолов бир неча бор мамлакатимиз ташқарисиде бўлиб, жиноий гуруҳ етакчилари билан учрашган. Улардан бажарилиши лозим бўлган махфий топшириқлар олган. Дилшод Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг телефон рақамларини гуруҳ аъзоларига етказиб берган.

Каримжон Узоқов эса ички ишлар томонидан қидирувда бўлган жиноятчининг қўрганлигини яшириб қолган. Агар у ўз вақтида жиноятчи ҳақида хабар берганида тақдир бошқача кечиси мумкин эди.

Судланувчилардан Рустам Наматкулов, Фозилжон Аскарлов ва Нуралли Йўлдошевлар ҳам судда кўрсатма бердилар.

Юқориде номлари зикр этилган судланувчиларнинг барчаси ўз айбларига иқрор бўлилар. Улар ўз қилмишларидан пушаймон эканликларини айтмоқдалар.

Суд жараёни давом этмоқда.

Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ислоҳот йўлидаги гов

Исми шарифим Аҳмад Хусанов. Денов туман «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги «Хасан» фермер ҳўжалиги бошлиғиман. Кўндан бери «Ишонч»га бор хасратимни тўкиб солсам деган ниётда эдим.

Фермер ҳўжалигимиз 1997 йили Денов тумани ҳокимининг 73-сонли қарори билан ташкил этилган. 15 гектар еримиз бор эди. Уша йили қолган ерга чилғит экан эдик. 6 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан дон олишга эришдик. Қузда омадимиз келди. Гектаридан 43 центнердан ҳосил олиб давлат буюртмаларини ортиғи билан бажардик. Ишчиларимизнинг кайфияти чоғ. Меҳнатига яраша даромад олай турса, кимга худ келмайди! Аммо омад осонликча қўлга киришмади. Ҳар гал, чилғит ёки галлани экишдан тортиб, қатор ораларига ишлов бериш ҳамда янаги мавсумга ерни тайёрлаш учун тракторчиларни ёллаб ишлатдик. 1998 йил ҳам шундай бўлди. Белгиланган давлат

буортмаларини ошиғи билан қойиллатдик. Аммо, қизик, бизнинг ютуқларимиз туман кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармасининг мутасаддиларига ёқмайпти. Улар ҳар гал ўз йўриғига юритмоқчи бўладилар. Нима экиш, қандай экиш, қачон экишни юқоридан туриб буюришни исташди. Мен уларнинг рухсати билан пайхонларга сув қуйишим, культивацияни оралатишим, ҳатто, бегона ўт-ўланларни ҳам уларнинг кўрсатмасидан сўнгина йўқотишим керак эмиш. Этишти-

рилган пахтани Хайробод пахта тозалаш заводига топширамиз. Улар ҳам ўз йўриқларига юритмоқчи бўлишарди. Натияжада бу ҳоллар фер-

мер ҳўжалигимизнинг ривожига гов қўймоқда. Яхши ниёт билан ҳўжалигимиз қошида чорвачиликни ҳам ривожлантирмоқчи эдик. Афсуски, этиштирилган пахтаимизнинг на ёғини, на кунжарасини оламиз. Бунга, Хайробод пахта тозалаш заводи раҳбарлари, «Сурхонозикқўват» ҳиссдорлик жамиятини айдор дейишарди. Улар эса, буларни. Қисқаси, ниётларимиз пучга чиқиб бормоқда.

Ҳўжалигимиз фаолияти тўғрисида, Жума Кенжаев раҳбарлик қилаётган Денов туман дехқон ва фермерлар

Фермер дардини оқда кўчирувчи:
Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Саволларингизга




Хуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМКУЛОВ:

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Ҳодимни ишга қабул қилиш ва уни расмийлаштириш ҳақида сўз юритишдан олдин меҳнат шартномаси тарафларини, яъни, бундай шартномалар ким билан...

гайриконтинент равишида рад этишга йўл қўйилмайди. Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда...

тириб таништирилади. Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан...



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Махмуджон ИСАЕВ жавоб беради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмалари Марказий Кўмитаси меҳнат ҳуқуқлари Бош ноҳари Карим МУХТОРОВ жавоб беради.

Савол: Дезинфекциялаш станцияларида узлуксиз дезинфектор бўлиб ишлаган аёл неча йилдан сўнг нафақага чиқиши мумкин?

Т.Жалилов, Дўстлик шаҳар, С.Раҳимов кўчаси. ЖАВОБ: 1993 йил 3 сентябрда тасдиқланган ва 1994 йилнинг 1 июлидан эътиборан қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12 моддасига мувофиқ имтиёзли пенсия таъинланиши назарда тутилган 3-сонли рўйхатнинг VIII-қисмида кўрсатилган шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар...



Савол: Туман Марказий шифохонасига врач-терапевт лавозимига ишга қирмоқчи эдим. Бош шифокор билан бўлган суҳбатда у вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан рухсат олиб келишганимни айтди. Шу тўғрисида...

А.Қобулов, Қашқадарё вилоят, Китоб тумани. ЖАВОБ: «Ўзбекистон Республикасидаги қорхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ юридик шахс бўлган марказий шифохона бош шифокор лавозимига юқори ташкилот, яъни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан таъинланади...

«ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

ЖАВОБ: Белгиланган тартибга биноан электр энергияси тўловлари бўйича имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг оиласига ойига 110 кВт микроорида электр қуввати учун имтиёзли тўловлар кўрсатиб ўтилган.

ЖАВОБ: 1988 йил 31 октябрдаги 392-сонли махсус қарорига мувофиқ (бу қарор ҳозир ҳам амалда) кишлоқ жойларда ҳамда шаҳар типидagi поселкаларда ҳам яшаб, ҳам ишлаётган тиббиёт ходимлари - шифокорлар, провизорлар, урта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари...

ЖАВОБ: 1968 йили Хива тиббиёт билим юртини тугатиб, йўлланма билан Шовот тумани санитария эпидемиология станциясига эпидемиолог шифокор ёрдамчиси, санитар шифокор ёрдамчиси ва паразитолог шифокор ёрдамчиси лавозимларида узлуксиз 31 йилдан бундан ортиқ вақт ишлаб келмакдаман. Ёшим 50 да. Ҳозир имтиёзли пенсияга чиқсам бўладими?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасидаги қорхоналар тўғрисидаги қонунга мувофиқ юридик шахс бўлган марказий шифохона бош шифокор лавозимига юқори ташкилот, яъни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан таъинланади...

нат шартномаси ҳам ёзма, ҳам оғзаки тузилишига эга бўлиши керак. Ушбу тартибларнинг ёзма шартнома ҳақида таъриҳчи беришимизнинг ҳолати йўқ, менимча. Лекин оғзаки меҳнат шартномаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади.

ЖАВОБ: Ширкат ҳўжалигини яширишда бир неча йиллардан бундан олдин фаолият кўрсатиб келмакда. Биласизки: 1. 1998 йил 20 февралда Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қарорига мувофиқ спортчи ва мураббийларга 1 кунлик «Физик» овқат харажатлари республика мусобақаларида катнашганлар учун энг кам иш ҳақининг 32, 38 фоизини ажратиб кўрсатилган.

ЖАВОБ: 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика», «Маҳалла» хайрия Жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги 472-сонли фармони қабул қилинган бўлиб, бу жамғармаларнинг асосий вазифалари қўйилганлардан иборат қилиб белгиланган:

ЖАВОБ: 1992 йил 31 сентябрдаги 15-июндаги 338-сонли буйруғи мавжуд. Савол: Болалар поликлиникасида логопед лавозимига ишлайман. Заиф болалар билан машғул ўтказаман. Иш ҳақимга 15 фоиз устама ҳақ тўлашди. Устама ҳақини 50 фоизга қўйгурса бўладими?

ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ! Маълумки мол-мулк мероси ҳақида тасаввурларимиз ҳамон чалқаш. Гапнинг очиги, бу борадаги билимларимиз анча саёз. Шу боис мерос ва меросхўрлик хусусида батафсил тушуنча беришларингизни илтимос қиламан.

МЕРОС Набиралар ҳам ўзларининг бобо ва аналари билан мулк меросхўр бўлишлари мумкин, қачонки уларнинг меросхўр бўлган ота ёки она си меросни қабул қилмай, ўлиб кетишган бўлса. Агар мерос қолдирувчининг биринчи нобатдаги меросхўри бўлмаса, иккинчи нобатдаги меросхўрлар ҳам мерос мулкларини олишлари мумкин.

1992 йилнинг 17 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирилар Маҳкамаси «Республика», «Маҳалла» хайрия жамғармалари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида 472-сонли Президент Фармони билан бевосита шугулланувчи педагог ходимлар (ўқитувчи, логопед, тарбиячи, психолог ва бошқалар)га ставкалари ҳамда лавозим маошларига ойига 50 фоиз миқдорда қўшимча тўловлар белгиланади.

